

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

САТТАРОВ УТКИР УРАЗАЛИЕВИЧ

**НЕМИС ТИЛИНИ ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ СИФАТИДА МАСОФАВИЙ
ЎҚИТИШДА ЯНГИ АВЛОД ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (немис тили)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Саттаров Уткир Уразалиевич

Немис тилини иккинчи чет тили сифатида масофавий ўқитишда
янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштириш..... 3

Саттаров Уткир Уразалиевич

Совершенствование учебной литературы нового поколения по
дистанционному изучению немецкого языка как второго иностранного..... 29

Sattarov Utkir Urazaliyevich

Improving the new generation of educational literature on distance learning of
german as a second foreign language..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

САТТАРОВ УТКИР УРАЗАЛИЕВИЧ

**НЕМИС ТИЛИНИ ИККИНЧИ ЧЕТ ТИЛИ СИФАТИДА МАСОФАВИЙ
ЎҚИТИШДА ЯНГИ АВЛОД ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (немис тили)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped2273 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdchti.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим портали www.ziyo.net уз манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тухтасинов Илхомжон Мадаминович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рашидова Феруза Мусаевна
педагогика фанлари доктори, профессор
Зияева Севара Анваровна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли илмий кенгашининг 2023 йил «13» сентябр соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37; факс: (99878) 210-00-18; e-mail: info@samdchti.uz. Самарқанд давлат чет тиллар институти бош биноси

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6/2015 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Ўзбекистон, Самарқанд, Бўстонсарой кўчаси, 93-уй. Тел: (99866) 238-29-37.

Диссертация автореферати 2022 йил «30» сентябр кuni тарқатилди.
(2022 йил «30» сентябр даги № 59 рақамли реестр баённомаси).



Д.А.Киселёв

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филология фанлари доктори, (DSc), доцент

Ғ.Қ.Мирсанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори, (DSc), доцент

Ш.С.Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатлари таълим тизимининг барча босқичларида бирдан ортиқ хорижий тилни ўқитиш тизими жуда катта аҳамият касб этмоқда. Бу орқали инсонлар ўз она тилидан ташқари яна иккита хорижий тилнинг таълимнинг барча босқичларида ўрганиб, ушбу тилларда эркин мулоқот қила олиш имкониятига эга бўлмоқда. Кейинги йилларда хорижий тилларни сўнги педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари асосида ўқитиш, таълим олувчига тил ўрганишда ўзгача мотивация бериш, шу орқали икки ва ундан ортиқ тилда мулоқот қила оладиган профессионал кадрлар тайёрлаш жараёни кўплаб мамлакатларда асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Шунга кўра, дунёнинг илғор тил ўргатишга ихтисослашган таълим муассасаларида асосий хорижий тил ёки иккинчи чет тилини ўқитиш жараёнига Padlet, Quizlet, Storyboard, Kahoot, Mentimeter, Jeopardy каби ахборот коммуникация технологияларга асосланган янги педагогик технологиялар кириб келдики, бу таълим олувчини чет тилини ўрганишга катта қизиқишини орттириб бормоқда.

Жаҳоннинг таълим тизими ривожланган мамлакатлари Германия, Дания, Финландиянинг чет тилини ўқитишдаги ютуқларини таҳлил қилган ҳолда халқимизнинг миллий қадриятлари, бой маънавияти, руҳияти сингдирилган янги авлод дарсликларини яратиш алоҳида долзарб масалага айланди. Жумладан, бугунги кунда тил ўқитишга ихтисослашган олий таълим муассасаларида хорижий тилни иккинчи чет тили сифатида ўқитиш бўйича янги авлод дарсликларини яратиш, бўлажак чет тили мутахассисларини профессионал кадр қилиб тайёрлаш, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларни халқимизнинг бой маданияти, миллий қадриятларини сингдирган ҳолда, ҳамда хорижий илғор тажрибаларни ўрганган ҳолда чет тилини ўқитишда тил кўникмаларини интеграциялашган ҳолатда ўқитиш, талабаларни асосан мустақил ишлашга ўргатиш орқали хорижий тил компетенцияларини уларда ривожлантириш ҳамда янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштиришнинг назарий асосларини яратиш, замонавий ўқув адабиётларини яратиш бўйича талаблар таҳлили ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, янги авлод дарсликларида замонавий кўникма ва малакалар билан мазмунан бойитиш усулларини такомиллаштириш мазкур тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини ифодалайди.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш, чет тилини ўргатиш тизимини такомиллаштириш учун моддий техник база билан таъминлаш, хорижий тиллар ўқитувчиларини тайёрлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар тўғрисида»¹ 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарорида олий таълим муассасаларини янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тизимли таъминлаш вазифаси белгиланди.

2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг: I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўқув адабиётлари, хусусан дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, уларнинг мазмуни ва контентини бойитиш масалалари тадқиқот объекти қилиб белгиланган илмий изланишлар хорижлик ва юртимиз олимлари томонидан кенг монографик тадқиқ этилган. Хорижда ўқув адабиётлари, хусусан дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратиш, такомиллаштириш, контекстуал ва дидактик жиҳатдан бойитиш масалалари бўйича В.Беспалько, Т.Балыхина, М.Беляев, Ж.Витлин, О.Зими́на, Р.Мильруд, А. Миньяр-Белоручева, D.Jonassen, D. Nicholas, H.Schugar, W. Shelburne² ва бошқалар илмий изланишлар олиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ 3775-сонли қарори, 2018 йил 5 июнь.

² Беспалько В.П. Теория учебника: Дидактический аспект. –М.: Педагогика, 1988. – 160 с.; Балыхина Т. М. Структурные и содержательные аспекты учебника для инновационного образования // Известия Юго-Западного государственного университета. № 4 (37) 2011. – С. 123–128.; Беляев М. И. Из опыта создания электронных учебников // Вестник Российского университета дружбы народов. Серия: Информатизация образования. № 1. 2009. – С. 15–24.; Витлин Ж. Л. Теоретические и методические основы учебников первого иностранного языка для вузов // Иностранные языки в школе. № 3. 2007. – С. 45–50.; Зими́на О. В. Печатные и электронные учебные изда-ния в современном высшем образовании: Теория, методика, практика. М., 2003. – 335 с.; Мильруд Р. П. Учебник иностранного языка: синергетика жанра или энергетика автора? //

боришган. Мазкур олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда турли соҳалар, хусусан чет тилини ўқитиш бўйича ўқув адабиётлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар, электрон ўқув адабиётларини яратиш бўйича тажрибалар, ўқув қўлланма ва дарсликларни дизайнлаш масалалари борасида тадқиқот олиб борилган.

Мамлакатимизда Қ.Олимов, А.Ғаффоров, Н.Тайлақов, Ш.Неъматов, А.Ортиқов, Ш.С.Сафаров, Ш.С.Ашуров, Л.Т.Ахмедова, Ж.Ж.Жалолов, Ф.М.Рашидова, Л.Х.Зайнутдинова, М.Х.Лутфиллаев, Д.Ў.Хашимова, Т.К.Саттаров, Ф.Ш.Алимов, И.М.Тухтасинов, Х.Д.Палуанова, М.А.Назарова, Б.Г.Қулматов, М.Х.Гулямова, Х.А.Маматкулов, К.Ж.Рискулова ³ каби

Иностранные языки в школе. № 8. 2005. – С. 12–18.; Мильруд Р.П. Методика преподавания английского языка. English Teaching Methodology: учебное пособие / . - 2-е изд., стер.- М.: Дрофа, 2007. – 200 с.; Миньяр-Белоручева А. П. К вопросу о принципах создания профессионально ориентированного учебника по английскому языку // Проблемы филологии: язык и литература. № 2. 2010. – С. 93–102.; Jonassen D. H. Hypertext Principles for text and Courseware Design // Educational Psychologist. Vol. 21. Issue 4. 1986. – P 269–292.; Nicholas D., Rowlands I., Jamali H. E-textbook use, information seeking behavior and its impact: Case study business and management // Journal of Information Science. Vol. 36. Issue 2. 2010. – P. 263–280.; Schugar H., Smith C., Schugar J. Teaching with interactive picture e-books in grades K–6 // The Reading Teacher. Vol. 66. Issue 8. 2013. – P. 615–624.; Shelburne W. A. E-book usage in an academic library: User attitudes and behaviors // Library Collections, Acquisitions and Technical Services. Vol. 33. Issue 1. 2009. – P. 59–72.

³ Олимов Қ. Махсус фанлардан ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг назарий-усулбий асослари. Педагогика фанлари доктори диссертацияси – Тошкент: 2005. – 245 б.; Ғаффоров А. Махсус фанлардан замонавий ўқув-услубий адабиётлар яратиш ва амалга жорий этиш методикаси (Касб-хунар коллежларининг “Озиқ-овқат ишлаб чиқариш” тайёрлов йшналишлари мисолида). Пед. фан номз. диссертацияси. – Тошкент, 2017. – 144 б.; Тайлақов Н. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг илмий педагогик асослари (Информатика курси мисолида). Педагогика фанлари доктори диссертацияси. – Тошкент, 2006. – 342 б.; Неъматов Ш. Туркистонда дарсликлар яратишнинг тарихий йўли ва дидактик асослари. Пед. фан номз. диссертацияси. – Тошкент, 2009. – 157 б.; Ортиқов А. Бенчмаркинг воситасида умумтаълим фанларидан янги авлод дарсликларини яратиш технологиясини такомиллаштириш. Пед. фан номз. диссертацияси. – Тошкент, 2020. – 153 б.; Сафаров Ш.С. “XX аср прозаси модернизмнинг тадрижий талқини”. “Сўз саънати” 1- сон. Т., 2018. – 43 б.; Ашуров Ш.С. English Language Teaching Methodology (theory and practice). – Т. «Fan va texnologiya», 2015. – 336 с; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Ташкент: Fan va texnologiya, 2013. – 200 с.; Jalolov J.J. Chet til o'qitish metodikasi. Chet tillar oliy o'quv yurtlari (fakultetlari) talabalari uchun darslik. –Т.: “O'qituvchi” NMIU, 2012 – 430 б.; Рашидова Ф.М. Ўзбекистон узлуксиз таълим тизимида CEFRни татбиқ этишнинг концептуал-методик асосларини такомиллаштириш (инглиз тили мисолида): дис. пед.ф.д., - Тошкент, 2017. – 67 б.; Зайнутдинова Л.Х. Создание и применение электронных учебников (на примере общетехнических дисциплин). - Астрахань: Изд-во ЦНЭП. 1999, - 364 с.; <http://library.ziynet.uz>; Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лагун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковой взаимодействия: Дис... докт. пед. наук. – Ташкент, 2007. – 209 с.; Саттаров Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): дис ... докт. пед. наук. – Т., 2000. – 32 с.; Алимов Ф.Ш. Инглиз тилида ёзув кўникмасини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида). Автореф. ... кан.пед.наук. – Тошкент, 2018. – 62 б.; Тухтасинов И.М. Возможности применения инновационных технологий в переводе художественных текстов. Замонавий таълимда ракамли технологиялар тизимларини қўллаш: Филология ва педагогика соҳасида замонавий тенденциялар ва ривожланиш омиллари. - Тошкент, 2020 йил. 1 май . Тадқиқот 2020. – 421 б.; Тухтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш: Автореф. ... пед.ф.д., - Тошкент, 2018. – 66 б.; Палуанова Х.Д. Инглиз, ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида экологик терминларнинг деривацион-семантик принциплари: автореф. дисс. ... филол.фан. док. – Тошкент, 2016. – 28 б.; Назарова М.А. Инглиз тилидаги матнларни ўқишда талабаларни лексик полисемияга ўргатишни такомиллаштириш. Автореф. ...кан.пед.наук. – Тошкент, 2018. – 64 б.; Қулматов Б.Г. Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Автореф. ... пед.фан бўйича фалсафа доктори. – Тошкент, 2018. – 54 б.; Гулямова М.Х. Инглиз тилини ўқитишда талабалар коммуникатив компетенциясини ривожлантиришга интегратив ёндашув: автореф. пед.фан. бўйича фалсафа доктори. – Тошкент, 2019. – 45 б.; Маматкулов Х.А. Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборотметодик таъминотини такомиллаштириш. пед.фан. бўйича фалсафа доктори. – Тошкент, 2017. – 47 б.; Рискулова К.Ж. Бўлажак инглиз тили ўқитувчилари

олимлар ўз тадқиқотларида янги ўқув-услугий адабиётларни шунингдек, ўқув адабиётларини яратиш механизмларини илмий асослаб бериш билан бирга, таълим тизимида янги авлод ўқув адабиётларини ишлаб чиқиш борасида илмий изланишлар олиб борганлар.

Лекин, бизнинг тадқиқот ишимиз немис тилини иккинчи чет тили сифатида филологик олий таълим муассасалари талабалари тақдим этиладиган янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштиришга бағишланган. Шунингдек, уларга интеграциялашган ҳолатда ўқитиш тизимини сингдириш, илғор хорижий тажриба ва миллий ютуқлар, миллий ва маънавий қадриятларни акс эттириш масалаларини ўз ичига қамраб олганлиги билан юқорида таъкидлаб ўтилган тадқиқот ишларидан фарқ қилади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, «Хорижий тилларни ўқитишнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади немис тилини иккинчи чет тили сифатида масофавий ўқитишда янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий вазифаларни бажаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

немис тилини иккинчи тил сифатида масофавий ўқитишда янги авлод ўқув адабиётларининг талабаларда малака ва кўникмаларни ривожлантириши ва такомиллаштиришнинг назарий ва методик асосларини ўрганиш;

немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш учун янги авлод ўқув дарсликларини яратишда миллий ҳамда халқаро ўқув адабиётларининг таҳлилини олиб бориш;

талабаларнинг замонавий кўникма ва малакалар ошириш учун янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштиришга оид аниқ таклифларни ишлаб чиқиш;

немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш учун бўлажак ўқитувчиларга ёрдам берадиган ўқув ресурслари ва электрон дарсликлардан фойдаланиш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишларининг натижаларини таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганувчи талабалар учун янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштириш жараёни танланган.

Тадқиқотнинг предмети немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганувчи талабалар учун янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштиришнинг шакли, методи ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари: назарий (таҳлилий-синтетик, киёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест

ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

немис тилини иккинчи чет тили сифатида масофавий ўқитишда, янги авлод дарсликларининг талабаларда грамматика, фонетика, лексика ва стилистикага оид малака ва кўникмаларни шакллантириши, уларнинг лингвистик, коммуникатив, социолингвистик, дискурсив, стратегик, касбий, умуммаданий компетенцияларини ривожлантириши, миллий ва хорижий немис тили дарсликларининг тизимли таҳлилини олиб бориш асосида исботланган;

немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш бўйича ўқув дастурлари ва адабиётлар таҳлилини халқаро дарсликларда берилган манбаларни ва маълумотларни синтезлаш, яъни миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ҳамда менталитетимизга мос маълумотларни янги авлод дарсликларида экс эттириш аниқ мисоллар, халқаро ва миллий ўқув адабиётларининг таҳлили орқали далилланган;

талабаларда мулоқот, яратувчанлик, инноваторлик, мослашувчанлик, самарадорлик, ҳамкорликда ишлаш ва ахборот технологияларини қўллаш, ижтимоий ва маданиятлараро мулоқот, танқидий фикрлаш ҳамда муаммога ечим топиш каби кўникмаларнинг ривожлантирилиши ва уларнинг бугунги кундаги янги авлод ўқув адабиётларига сингдирилиши лозим эканлиги асослаб берилган;

янги авлод ўқув адабиётларининг тўрт хил тури яъни, бугунги ижтимоий ҳаётнинг турли зарурий соҳалари бўйича немис тилида материалларни қамраб олган курс китоби, немис тилининг грамматик соҳалари бўйича зарурий билимларни қамраб олган грамматика китоби, машғулотларни қандай ташкиллаштириш ва олиб бориш бўйича ўқитувчига услубий қўлланма бўлган ўқитувчи китоби ҳамда талабанинг ўрганган билимларини машғулотда ва мустақил таълимда мустаҳкамлашга ёрдам берадиган машқлар тўплами – ўқув ресурлари бўлиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

амалий фанлар учун мўлжалланган янги авлод ўқув адабиётларини яратиш юзасидан талабларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди;

немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишга мўлжалланган янги авлод ўқув адабиётларининг курс китоби, грамматика китоби, ўқитувчи китоби ҳамда машқлар тўпламини ўзида қамраб олган ўқув ресурларининг моделлари яратилган;

янги авлод ўқув адабиётларида сингдирилиши лозим бўлган танқидий фикрлаш, муаммога ечим топиш, мулоқот, ҳамкорликда ишлаш, яратувчанлик ва инноваторлик, АКТ, мослашувчанлик, ижтимоий ва маданиятлараро мулоқот, самарадорлик ва жавобгарлик кўникмалари

талабаларда шаклланишига ёрдам берадиган топшириқлар тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси ва методологияси ҳамда педагогик таълим соҳасидаги республика ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўлланганлиги; тажриба-синов ишларининг таҳлили ва тадқиқот натижаларининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти мазкур диссертация натижалари асосида олий таълим тизимида хорижий тилларни анъанавий ва масофавий шаклда ўқитишда қўлланадиган дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш, немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш учун қўлланадиган ўқув адабиётларининг такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялардан асосида келгусида магистрлик, докторлик диссертацияларида кенг фойдаланиш мумкин.

Мазкур тадқиқот ишининг амалий аҳамияти эса хорижий тилни иккинчи чет тили сифатида ўқитиш, грамматикаси, лексикологияси хорижий тилни ўқитиш методологияси бўйича хорижий тил фонетикаси, каби фанлардан маъруза ва амалий машғулотларда фойдаланиш, шунингдек, немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда ўқув қўлланма, дарслик ва ўқув-услубий мажмуалар ҳамда чет тилини ўқитиш бўйича услубий қўлланмалар яратиш кабиларда фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Немис тилини иккинчи чет тили сифатида масофавий ўқитишда янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган назарий-услубий натижалар ҳамда амалий таклифлар қуйидаги лойиҳаларда татбиқ этилган:

немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда, янги авлод дарсликларининг талабаларда грамматика, фонетика, лексика ва стилистикага оид кўникма малака ва кўникмаларни шакллантириши, уларнинг лингвистик, коммуникатив, социолингвистик, дискурсив, стратегик, касбий, умуммаданий компетенцияларини ривожлантириши, миллий ва хорижий немис тили дарсликларининг тизимли таҳлилинини олиб бориш асосидаги хулосалардан Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган И-204-4-5 “Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасидан фойдаланилган. (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 21 февралдаги 230/30.02.01-сонли маълумотномаси). Натижада замонавий педагогик таълим тизимини ташкил этишда юқори сифатли дарсликларни яратиш ва улардан фойдаланиш замонавий, тез ўзгарувчан дунёда, керакли билимларни тақдим этиш ва тарқатиш ўқув жараёнида турли хил илмий ва касбий мазмундаги маълумотларни махсус форматланган дидактик восита ёрдамида фойдаланувчига етказаш имкониятлари яратилган;

немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш бўйича ўқув дастурлари ва адабиётлар таҳлилини халқаро дарсликларда берилган манбаларни ва маълумотларни синтезлаш, яъни миллий маънавиятимиз, маданиятимиз ҳамда менталитетимизга мос маълумотларни янги авлод дарсликларида экс этириш аниқ мисоллар, халқаро ва миллий ўқув адабиётларининг таҳлили орқали далилланганлиги Самарқанд давлат чет тиллар институтида Европа Иттифоқининг TEMPUS дастури 2014-2016 йилларга мўлжалланган Tempus Project 544161- TEMPUS-1-2013-1-UK-TEMPUS-JPCR Aston University DeTEL “Developing the Teaching of European Languages: Modernizing Language Teaching through the development of blended Masters Programmes” лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 9 февралдаги 223/30.02.01-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсияларни жорий этиш натижасида масофавий таълимда электрон ўқув материалларининг ўрни ўзига хос бўлади. Худди шу тенденциялар бугунги кунда электрон ўқув воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш соҳасида баъзи назарий ва амалий ютуқларга эга бўлган чет тилларини ўқитиш методикасида ҳам янги усулларга эришилган.

мультимедиа технологияларидан фойдаланишга асосланган, таълимда электрон ахборот ресурсларининг асосий турлари ахборот қидириш ва маълумотли мультимедиа тизимларини яратиш бўйича диссертацияда ишлаб чиқилган тавсиялардан Европа Иттифоқи томонидан Эрасмус+ дастурининг 2016-2018 йилларга мўлжалланган 561624-EPP-1-2015-UK-EPPKA2-SBHE-SP-ERASMUS + SBHE IMEP: “Ўзбекистонда олий таълим тизими жараёнларини модернизациялаш ва ҳалқаролаштириш” номли инновацион тадқиқотлар лойиҳаси доирасида фойдаланилган. (Самарқанд давлат чет тиллар институтининг 2022 йил 9 февралдаги 222/30.02.01-сонли маълумотномаси асосида). Натижада, ушбу жараёнда ахборот ресурслари ва улардан фойдаланишдаги асосий объектлар мультимедиа энциклопедиялари, таълим оловчиларнинг кўникмалари, электрон симуляторлар, математик ва симуляцион моделлаштириш учун мультимедиа воситалари, масофавий ўқитиш лабораториялари ва виртуал лабораториялар учун мультимедиа воситалари, автоматлаштирилган ўқув тизимлари, мутахассисларни тайёрлаш тизимлари, интеллектуал ўқитиш тизимлари, электрон мультимедиа дарсликлари каби янгиликларга эришилган.

немис тилини иккинчи чет тили сифатида масофавий ўқитишда янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштиришнинг назарий хулосалари ва таҳлили илгари сурилган илмий натижаларидан Самарқанд вилоят телекомпаниясида 2022 йилнинг 8 июнь куни эфирга узатилган “Ассалом, Самарқанд” кўрсатувининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 7 июлдаги 01-12/258-сонли маълумотномаси асосида). Натижада илмий-маърифий аҳамиятга эга тавсиялар ҳақида маълумот берилган ва кейинги кўрсатувларда ҳам фойдаланиш кўзда тутилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларни эълон қилиш учун тавсия этилган нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика 1 та хорижий ва 1 та SCOPUS базасига киритилган илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 138 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш. Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация тадқиқотининг **“Немис тилини иккинчи чет тили сифатида масофавий ўқитишда янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштиришнинг назарий асослари, электрон таълим ва электрон ўқув адабиётларнинг структур-методик хусусиятлари, янги авлод электрон дарслик яратишнинг дидактик принциплари ўрганилган.

Дарслик – бу “ўқув жараёнида турли хил илмий ва касбий мазмундаги маълумотларни махсус форматланган дидактик восита ёрдамида фойдаланувчига етказадиган, ўқув жараёнининг мақсадларига, талабаларнинг психофизик етуқлигини оширадиган, таълим ёки унинг босқичлари, яъни ўқув дастурлари, ишчи дастурлари талабларига мос келадиган муайян бир китоб”⁴. Оммавий таълим талабларига жавоб бўлиши билан дарсликлар асосий ўқув қўлланма ҳисобланади.

XXI аср таълимини белгилайдиган катта қарама-қаршиликларга бой бўлган замонавий ижтимоий таълим мунозаралари сўнгги дарсликларнинг аҳамияти ва функцияларига янги меъёрларини кўрсатиб беради. Бу борадаги мунозараларнинг бири шундаки, бир томондан оммавий равишда “талабалар билимларини ошириш” бўлса, иккинчи томондан, билимларни сингдириш ва қайта ишлаш учун инсон қобилиятига эътибор қаратилмоқда. Бунга қўшимча

⁴ Potkonjak, N., Šimleša, P. (ur.), Pedagoška enciklopedija 2, Beograd, Zagreb, Sarajevo, Titograd, Novi Sad: Zavod za udžbenike i nastavna sredstva. 1989. – 26 б.

равишда, замонавий дарсликлар ишлаб чиқаришнинг асосий парадигмаларидан бири бу ўқитувчиларнинг курс директорлари, ташкилотчилар, координаторлар, профессионал инструкторлар, репетиторлар каби янги функцияларини ҳисобга олиш ҳам талаб қилинади⁵. Бундан ташқари бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида, хусусан Ўзбекистон таълим тизимида ҳам масофавий таълим ривожланиб, уни таълим жараёнида қўллаш жадал равишда такомиллашиб бормоқда.

Одатда дарслик тузиш учун асосий педагогик талаблар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда батафсил тушунтирилиб ўтилади:

1. Педагогик ва дидактик дискурс нуқтаи назаридан, дарсликнинг дизайни масаласи курс дастурлари масаласи билан боғлиқ тузилади, чунки дарсликлар, қоида тариқасида, ўқитишнинг алоҳида соҳалари учун ўқув дастурига мувофиқ тузилади ва моделлаштирилади. Дидактик маънода дарсликлар муайян курслар ва таълимнинг маълум даражалари учун ўқув дастурларининг барча хусусиятларини экс эттириши лозим;

2. Дарсликлар ўқитиш жараёнида доимий билим манбаларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, улар телеологик ўлчовни ҳам ўз ичига олиши керак, яъни улар тегишли курсда ўқитишнинг предмети, мақсад ва вазибаларига жавоб берадиган тарзда яратилиши керак. Бу талаб ўз навбатида дарсликнинг тегишли дидактик форматланиши, график дизайни ва техник формати, лингвистик форматланиши, гигиеник форматланиши кабиларни ўз ичига олади;

3. Ўқитувчилар дарсларнинг яратувчиси ва етакчиси сифатида бирон бир асосий функцияларни дарсликларда катта эътибор қаратмаслиги лозим, яъни ўқитувчилар таълим жараёнининг барча босқичларини ҳисобга олишлари керак.

Демак, дарсликларни ишлаб чиқариш ҳар доим таълим муассасаларининг муайян турлари ва даражалари учун ўқув дастурлари, дарсларнинг мақсади ва натижалари билан бевосита боғлиқ бўлиб, дарслик яратиш жараёнида тегишли дидактик, график дизайн, лингвистик, гигиеник форматлаш; шунингдек, дарсликларни ўқитиш методларини танлашда ва дарсларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда чет тилини ўқитиш соҳасида янги авлод дарсликларини яратиш замонавий шароитда чет тилини ўқитишнинг мазмуни ва услубларини қайта кўриб чиқиш муаммолари, муаллифнинг ўқитиш услубларини яратиш, ўқув, услубий ва методик таъминотни яратиш, ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини самарали ташкил этишни қамраб олиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бугунги кунда анъанавий таълим билан бир қаторда, мамлакатимизда масофавий таълим ҳам олиб борилмоқда. Бу жараёнда электрон ўқув материалларнинг ўрни ўзига хос бўлади. Электрон ўқув қўлланмалари деярли йигирма йиллик ривожланиш тарихига эга. Бу йиллар давомида

⁵ Адольф В. А. Профессиональная компетентность современного учителя: монография / В. А. Адольф. – Краснояр. гос. ун-т., Красноярск, 1998. – 120 с.

Ўқитувчилар компьютер технологиялари ютуқларини диққат билан кузатиб бориш, компьютер технологияларининг дидактик салоҳиятини аниқлаш, уларни турли мавзуларда қўллаш имкониятларини излаш, экспериментал дидактик материаллар яратиш, уларни ўқитиш амалиётига жорий этишга ва янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш масалаларига жиддий эътибор қаратишди. Шу нуқтаи назардан жаҳоннинг илғор таълим тизимларида Padlet, Quizlet, Storyboard, Kahoot, Mentimeter, Jeopardy замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологиялари фаол қўлланмоқда.

Мультимедиа технологияларидан фойдаланишга асосланган таълим мақсадлари учун электрон ахборот ресурсларининг асосий турлари ахборот қидириш ва маълумотли мультимедиа тизимларини яратиш ҳисобланади⁶. Ушбу жараёнда ахборот ресурслари ва улардан фойдаланишдаги асосий объектлар қуйидагилар ҳисобланади: қўлланиладиган мультимедиа энциклопедиялари, ўрганувчиларининг кўникмалари, электрон симуляторлар, математик ва симуляцион моделлаштириш учун мультимедиа воситалари, масофавий ўқитиш лабораториялари ва виртуал лабораториялар учун мультимедиа воситалари, автоматлаштирилган ўқув тизимлари, мутахассисларни тайёрлаш тизимлари, интеллектуал ўқитиш тизимлари, электрон мультимедиа дарсликлари.

Дастурлаштириган ўқитишнинг дидактик тизим сифатида шаклланиши ва ривожланишига америкалик олимлар Б.Скиннер, Н.Краудер ва Л.Столоров, шунингдек, рус олими В.Беспалько ҳисса қўшганлар⁷. Юқорида такидлаб ўтилган олимлар дастурлаштирилган, яъни таълим воситаси электрон таълим ҳисобланаган таълимнинг қуйидаги принципларини таклиф этишган: ўқув материални тузиш принципи, тескари ижобий алоқа принципи, таълимнинг индивидуаллик принципи, аста-секин ўрганиш принципи, бўшлиқларни дифференциал тузатиш принципи. Ушбу дастурлаштирилган таълимнинг дидактик хусусияти талабаларнинг кўпроқ мустақил ишлашга, ўрганиш жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни аста-секин бартараф этиш орқали таълим мақсадига эришилади. Ушбу мақсадга эришиш жараёнида электрон ўқув ресурсларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Ўқув жараёнида электрон дарсликлардан фойдаланиш таълим олувчига ўрганилаётган мавзу бўйича кенгайтирилган маълумотларни олиш имкониятини беради, унинг таълим салоҳиятини оширади, узлуксиз билим олиш имкониятини беради, ўқув жараёни сифатини, ўқитувчининг меҳнат унумдорлигини оширади, талабаларнинг ахборот маданиятини оширади ва уларнинг фикрлашидаги ижодкорлик даражасини ривожлантиради.

Электрон дарслик электрон таълим (E-Learning) каби янги концепциянинг асосий моҳиятини ўзида мужассам этади. Бугунги кунда электрон дарслик (ЭД), электрон ўқув қўлланма (ЭЎҚ), электрон компьютер дарслиги (ЭКД), электрон симулятор каби терминлар кенг тарқалиб

⁶ Carlson P. A. A Way of Incorporating User Feedback into Online Documentation // Text, ConText, and Hypertext. Writing with and for the Computers. MIT Press series in information systems. 1988. – P. 93–110.

⁷ Беспалько В.П. Теория учебника: Дидактический аспект. –М.: Педагогика, 1988. – С.119.

бораётганига қарамай, бир қатор тадқиқотчилар уларга нисабатан турли хил тавсифларни бермоқда.

Л.Х.Зайнутдинованинг фикрига кўра: “Электрон дарслик бу дидактик ўқув жараёнининг узлуксизлиги ва тўлиқлигини таъминлайдиган, назарий материалларни тақдим этадиган, ўқув фаолияти ва билим даражасини назорат қилишни таъминлайдиган, шунингдек, ахборот қидириш функцияси, математик ва симуляция билан таъминлайдиган кенг қамровли таълим дастуридир. У компьютерни визуализация қилиш ва интерфаол алоқага эга хизмат кўрсатиш функциялари билан моделлаштиришни ўз ичига олади⁸. Америкалик олим Уилям Вулф ўз тадқиқотида электрон дарслик ва унинг мазмунига қуйидагича таърий беради: “электрон дарсликларда анимациялар ва мусиқий треклар бўлиши керак. Улар нафақат манбаларга ҳаволаларни ўз ичига олиши, балки улардан фойдаланувчига маълумотларнинг муқобил таҳлили, изоҳлари ва қўшимча ҳужжатларини ишлатишга имкон бериши керак.

Электрон дарсликлардан таълимнинг барча босқичларида, яъни ўрта таълим, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш тизимида фойдаланиш мумкин.

Электрон дарслик учун самарали ишлаб чиқилган мультимедиа муҳити бешта элементни ўз ичига олади: 1.Ахборот дисплейи, 2.Нима қилиш кераклиги ҳақида кўрсатмалар, 3.Тушуниш ва ёдлаш машқлари, 4.Такрорлашни ёки кейинги босқичга ўтишни аниқлаш учун баҳолаш, 5.Интерактивлик.

Ушбу бешта элемент электрон таълим контентига сингдирилиши ёки аралаш таълим комбинациясида қўлланиши мумкин. Шунга қарамай, ушбу элементларнинг деярли барчаси мультимедиясиз ишлатилиши мумкин ва мультимедиа уларни янада самарали ва мазмунли қилади. Инсонга видео ва аудио идрок этиш қобилиятини бериш орқали мультимедиа ушбу имкониятларнинг ҳар биридан алоҳида устунликка эга.

Мультимедиа манбалари нафақат анъанавий таълим жараёнида, балки таълим доирасидан ташқаридаги одамларда, ҳамда таълим олувчиларга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади. Мультимедиа яратувчилари қуйидаги омилларни ҳисобга олишлари керак бўлади:

- медиа форматининг ахборот турига мувофиқлиги;
- бир вақтнинг ўзида намоёниш этилганда медиа элементлари бир-бирини қўллаб-қувватлаши;
- мультимедиа безакни эмас, балки ўрганишна мотивация бериши ёки яхшилаш учун ишлатилиши;
- агар оғзаки ва визуал ахборот каналлари таълим олувчиларга таркибни аввалги билимлар билан бирлаштиришга ёрдам берса, мультимедиядан фойдаланиш самаралироқ бўлади;

⁸ Зайнутдинова Л.Х. Создание и применение электронных учебников (на примере общетехнических дисциплин). - Астрахань: Изд-во ЦНЭП. 1999, – С.221.

- тингловчиларни фаол жараёнга жалб қилиш керак ва интеграция тингловчилари мультимедиа элементларини бошқариш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлишлари керак, бунинг учун метафора, ўхшашлик, ва шахслантиришдан фойдаланиш;

- мультимедиа дастурларини ишлаб чиқишда медиа элементлари ва оҳангни ёки бошқа педагогик муаммоларни ҳал қилиш воситаларининг имкониятларини ҳисобга олиш.

Бизга маълумки, ҳар қандай ўқув материални сифатли ҳолда яратишнинг ўзига хос талаблари ҳам мавжуд. Сифатли ўқув мультимедиа ресурслари бўйича ўқув ахборот манбаларига қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат:

- ушбу ахборот ресурсидан ўқув жараёнида фойдаланишнинг аниқ методикаси мавжудлиги;

- ўқув қўлланмаларига қўйиладиган умумий дидактик талабларга мувофиқлиги;

- ўқув жараёнида замонавий ахборот ва телекоммуникация технологияларининг афзалликларидан мақбул фойдаланиш туфайли ўзига хос дидактик талаблар;

- муайян предмет соҳасининг ўзига хослиги ва хусусиятларини ҳисобга олишни ўз ичига олган услубий талаблар. замонавий ўқитиш усулларини амалга ошириш имконияти.

- эргономик талаблар тингловчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда тузилиши, ўрганиш учун мотивация даражасининг ўсишини таъмилаши, ахборот имиджига ва махсус компьютер воситаларининг ишлаш режимларига бўлган талабларнинг белгиланиши, талабаларни соғлиғини сақлашга ёрдам бериши.

Методик талаблар мультимедиа ресурсларига қўйиладиган дидактик талаблар билан чамбарчас боғлиқдир. Услубий талаблар маълум бир мактаб интизомини ўқитиш эҳтиёжларини, тегишли фаннинг ўзига хос хусусиятларини, унинг концептуал аппаратини, унинг қонунларини ўрганиш усулларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишни назарда тутди: ахборотни қайта ишлашнинг замонавий усулларини амалга ошириш имкониятлари ва таълимни амалга ошириш методикаси тадбирларидир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Немис тилини иккинчи чет тили сифатида масофавий ўқитишда янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштириш амалиёти”** деб номланган бўлиб, унда немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш бўйича ўқув дастурлари ва адабиётлар таҳлили амалга оширилган, янги авлод ўқув адабиётларини яратиш бўйича талаблар таҳлили ва уларни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган, янги авлод дарсликларига замонавий кўникма ва малакалар билан мазмунан бойитиш усуллари тавсия этилган.

Ўқув дастурларида немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганувчи талабалар коммуникатив, лингвистик, социолингвистик, дискурсив, стратегик, касбий, умуммаданий компетенцияларни эгаллаши назарда тутилган. Бунда немис тилнинг фонетик, грамматик, лексик ва стилистик,

типологик жиҳатларини пухта ўрганиш, нутқ кўникмаларини шакллантиришда бугунги кунда дунёда ва республикамизда содир бўлаётган сиёсий, маданий, иқтисодий ва ижтимоий воқеликларни онгли равишда билиши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда ўқитувчилардан дарс материлларидан қандай ўқув адабиётлардан фойдаланиш борасида олиб борилган сўровнома натижаларига кўра, ўқитувчиларнинг 90% хорижий немис тили дарсликлардан, 56% маҳаллий дарсликлардан, 58% аутентик ўқув материалларидан, 60% кафедрасидаги ҳамкасблари яратган ўқув материалларидан, 17% ўзи яратган ўқув материалларидан фойдаланишлари билдирган. Бундан кўриниб туркибдики, бугунги кунда немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш жараёнида асосан хорижий немис тили дарсликларидан фойдаланишади. Бундан шундай хулосага келишимиз мумкинки, ОТМлардаги аксарият профессор-ўқитувчилар халқаро дарсликлардан фойдаланишади. Бунинг ўзига яраша афзаллик ва камчиликлари мавжуд. Халқаро дарсликлар тўртта тил кўникмаларини бир вақтда ривожланишига ёрдам беради. Бироқ, талабаларимизнинг миллий кадриятлар, маънавиятимиз, маданиятимизни ўзига сингдирган ўқув адабиётларимиздан фойдаланмасак, талабаларнинг ижтимоий-маданий компетенцияларини ривожлантириш масаласи эътибордан четда қолиб кетиши мумкин. Шунинг учун бугунги янги авлод дарсликларини интеграллашган ҳолда ўқитишга эътибор қаратган ҳолда яратиш мақсадга мувофиқ. Бунда халқаро дарсликлардан фойдаланишда маълумотларни синтезлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим. Чунки немис ёки Европа халқлари менталитетига хос бўлган материлларни ўзбек талабаларига тақдим этиш миллий маънавиятимизга путур етказиши мумкин. Талабаларни ўқитишда халқимизнинг азалий кадриятлари, урф-одат ва анъаналари йўғрилган манбалардан фойдаланиш жуда муҳимдир.

Шу ўринда ўқув адабиётларни яратиш бўйича бугунги кундаги талабаларни ўрганиб чиққан ҳолда бизда пайдо бўлган айрим фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчимиз. Бундан асосий мақсад янги авлод адабиётларини яратишда уларни такомиллаштиришга асосий эътиборни қаратиш ва шу асосида таълим сифатини янада ошириш ҳисобланади.

Тадқиқот мавзуимиз немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш бўйича янги авлод дарсликларини яратишга бағишланганлиги ва иккинчи чет тили аспекти ўқув режанинг амалий фанлар блокада эканлигини ҳисобга олган ҳолда биз асосан амалий фанлар учун дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш бўйича юқоридаги ўқув адабиёт яратиш талаблари бўйича фикр-мулоҳазаларимизни баён этамиз ва янги авлод дарсликларини такомиллаштириш бўйича ўз таклифларимизни билдириб ўтаемиз.

1-банд бўйича дарслик ва ўқув қўлланманинг намунавий дастурдаги мавзуларга мос келиш жиҳатларини дарслик учун алоҳида ва ўқув қўлланма учун алоҳида қилиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

3-бандда кўрсатилган талабни нафақат кириш қисмида балки, ўқув адабиётнинг барча дарсларида мавзу доирасида миллий маънавиятимиз,

маданиятимиз, кадриятларимизни сингдириб борилиши белгилаб берилиши лозим.

6-банддаги талабнинг номини ҳам аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки “замонавий технологиялардан фойдаланиш масалаларининг акс эттирилганлиги” жумласидаги замонавий технологиялар ўрнига замонавий педагогик технологиялар бирикмасини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

12-бандда маълум бир йилни чегаралашни олиб ташлаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, айрим соҳаларда шундай адабиётлар мавжудки, улар 20-30 йиллар олдин нашр қилинган бўлса ҳам, шу соҳанинг асосий адабиётларидан бири бўлиб қолаверади. Масалан, профессор Ж.Бўроновнинг “Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси” номли дарслиги 1973-йилда нашр этилган бўлишига қарамай бугунги кунгача қиёсий типология фани учун асосий дарслик сифатида фойдаланиб келинмоқда.

14-банддаги талабни фикримизча, назарий фанлар учун яратилган ўқув адабиётга татбиқ қилса бўлади. Чунки, айнан, назарий фанлар учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларида ҳар бир мавзудан кейин қисқача хулоса, ўзини-ўзи назорат ва муҳокама қилиш учун саволлар келтирилади.

Бундан ташқари, хорижий тил ва уни ўқитиш бўйича янги авлод дарсликларини яратишга доир қўплаб халқаро тажрибани ўрганиб чиқдик. Шунга асосланиб, немис ва инглиз тилларидаги амалий дарслар учун ўқув қўлланма ва дарсликларининг янги авлодини яратиш ва улар структураси бўйича қуйидаги таклифларни билдирамиз:

Янги авлод дарсликлари структура жиҳатидан қуйидаги таркибга эга бўлади ва улар тўрт қисмдан иборат бўлади. Қуйида уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Биринчи қисм дарсликда мавзулар бўйича бериладиган дарсларни ўз ичига олган асосий қисм бўлиб, унда фанга ажартилган соатлар миқдоридан келиб чиқиб, 30 та ёки 40 та дарс учун материаллар мужассам бўлади. Ҳар бир дарс тўртта тил кўникмаси бўйича тайёрланади.

Иккинчи қисм талабаларнинг тил кўникмаларини шакллантириш, жумладан тил грамматикасини ўқитиш бўйича мавзу бўйича қоидалар ва шу қоидаларни мустаҳкамлаш учун машқлар тўпламидан иборат бўлади. Ушбу қисмда шунингдек, ҳар бир мавзу юзасидан тузилган машқларнинг жавоб калитлари ҳам келтирилади.

Учинчи қисм ўқув адабиётидан дарс жараёнида ва дарсдан ташқари қандай фойдаланиш учун ўқитувчига кўрсатма берувчи ўқитувчи китобидан иборат бўлиб, ҳар бир дарсни қандай ташкиллаштириш, дарс жараёнида топшириқлардан қандай фойдаланиш, қайси педагогик технологияни қайси ҳолатда фойдаланиш, шунингдек, топшириқлар юзасидан берилган машқларни жавоб калитларини ўзида мужассам этган бўлади.

Тўртинчи қисмда ўқув адабиётининг ҳар бир мавзуси ва унда берилган ахборотларни ўрганиш ва кўзда тутилган кўникмаларни ривожлантириш мақсадида ўз-ўзини текшириш учун машқлар тўплами ҳисобланади. Бу қисмда ҳар бир мавзу юзасидан 10-15 та топшириқдан иборат 10 га яқин

машқлар мажуд бўлиб, талабалар бу машқларни ўзлари мустақил бажариб ҳам ўтилган мавзуларни мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади.

Немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитишда қўлланадиган дарсликларнинг мазмун ва структур жихатдан таҳлил этар эканмиз, бугунги кунда замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларга мазмун ва структур жихатдан қўйиладиган талабларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим.

Тадқиқот ишимизнинг мавзуси “Немис тилини иккинчи чет тили сифатида масофавий ўқитишда янги авлод ўқув адабиётларини такомиллаштириш” мавзусига эътибор қаратган ҳолда бугунги кунда яратиладиган янги алод ўқув адабиётларида замонавий кўникма ва малакаларни ривожлантиришга қаратилган материаллар ва топшириқлар акс этиш лозим деб ҳисоблаймиз. Маълумки, ХХІ асрда ўзига хос аҳамият ва долзарбликка эга замонавий кўникма ва малакалар мажуд бўлиб, уларга қўйидагиларни киритиш мумкин: *танқидий фикрлаш ва муаммога ечим топиш кўникмаси, мулоқот кўникмаси, ҳамкорликда ишлаш кўникмаси, яратувчанлик ва инноваторлик кўникмаси, АКТ кўникмаси, мослашувчанлик кўникмаси, ижтимоий ва маданиятлараро мулоқот кўникмаси, самарадорлик ва жавобгарлик кўникмаси.*

Диссертациянинг авторефератнинг ҳажмини ҳисобга олиб, танқидий фикрлаш ва муаммога ечим топиш кўникмаси ҳамда мулоқот кўникмасини шакллантирувчи материал ва топшириқларни ҳавола этамиз.

Танқидий фикрлаш ва муаммога ечим топиш кўникмаси. Танқидий фикрлаш ҳар қандай касб ёки вазифа учун самарали воситадир. Бу талабани муаммоларни ҳолисона таҳлил қилишга мажбур қилади, ўзининг нотўғри фикрларини ажрата олишга ва ушбу муаммоларни турли нуқтаи назардан кўришга имкон беради. Шунингдек, бу кўникма талабанинг ижодкорлик функциясини ошириши мумкин.

Ушбу кўникмани талабаларда ривожлантириш учун оғзаки нутқни ошириш жараёнида бирор масаланинг афзаллик ёки ноафзалликларини баён этишга мўлжалланган топшириқ бериш мақсадга мувофиқ.

Aufgabe: Beschreiben Sie bitte die Vor- und Nachteile des Onlineunterrichts.

Die Vorteile des Onlineunterrichts:

Zeit sparen

Zu Hause lernen

Freiwilliger Stundenplan

Wenige Altagsausgabe

Die Nachteile des Onlineunterrichts:

Abstand von der Gesellschaft

Gründe für die Gesundheit

Passive Kommunikation

Verschlimmbesserung der Erziehung wegen der schlechten Internetverbindung.

Шу каби топшириқларни дарс жараёнида талаблар билан ишлаш уларнинг танқидий фикрлашини оширади ва юзага келадиган муаммоларга самарали ечим топишига ёрдам беради.

Мулоқот кўникмаси. Ушбу кўникма, асосан, гапириш ва ёзиш машқлари сифатида қўлланиши мумкин ва талабаларнинг вербал ва новербал мулоқот қобилиятларини намойиш қилишга имкон беради.

Aufgabe: *Erfüllen Sie den Einladungsbrief. Es wird zwei Karten für Sie vorbereitet. Schreiben Sie mindestens zwei Sätze.*

1. *Gulchehra ist Managerin vom Bildungszentrum in Samarkand geworden.*

2. *Ihre Schwester hat den Kurs beim Kochunternehmen erfolgreich beendet. Sie möchte beste Köchen werden und eigene Restaurant eröffnen.*

Бу топшириқ орқали талабалардан баъзи вазиятларга асосланган турли табрик хатларини ёзиш сўралади. Талабаларга контекстни намойиш этадиган бир нечта расмлар берилади ва улар табрик хатларини ёзишлари керак бўлади. Бу вазифа мулоқот қобилиятини бирлаштиради, чунки улар турли контекстларда самарали ёзма мулоқотни намойиш этишлари лозим. Ушбу вазифада касб, битирув ва шунга ўхшаш бир нечта контекстлар мавжуд бўлади.

Тадқиқотнинг “**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш**” деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этишнинг мақсад ва вазифалари, тажриба-синов иши натижаларининг сифат ва миқдор кўрсаткичи таҳлили, бўлажак ўқитувчиларнинг ўқув адабиётлари ва электрон дарсликлардан фойдаланиш компетенциясини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Тадқиқотимиз давомида тадқиқотнинг эмперик методларидан ҳам самарали фойдаланилди. Улардан *анкета сўровнома методи* белгиланган барча ОТМлардаги тажриба-синов ишларига жалб қилинган профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан олиб борилди.

Тажриба майдончаси сифатида танлаб олинган ОТМларнинг 48 нафар профессор-ўқитувчилари иштирокида сўровномалар ўтказилди. Анкета 10 та саволдан иборат бўлиб, улар профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат фаолиятининг давомийлиги, немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш учун қандай материалларни танлаши, материалларни танлашда қайси жиҳатларга эътибор қаратиши, қандай қилиб дарсларни интеграллашган ҳолда ташкил этилиши, шунингдек, замонавий янги ўқув адабиётларни қандай тасаввур қиласиз каби анкета саволлари сингдирилган.

3.1-жадвал

Тажриба-синов ишларида иштирок этган ўқитувчиларнинг сони

Тажриба-синов майдонлари	Ўқитувчилар сони
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	11
Урганч давлат университети	21
Самарқанд давлат чет тиллари институти	16
ЖАМИ	48

Тажриба синов-ишларида, шунингдек, тажриба майдончаси қилиб танлаб олинган ОТМларнинг 194 нафар талабалардан Республикамизда немис тилини иккинчи чет тили сифатида ўқитиш ҳолати ва талабаларнинг дарс жараёнида немис тилидан қандай ўқув адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, аутентик материаллардан фойдаланаётганлигини аниқлаш борасида ҳам сўровнома ўтказилди.

3.2-жадвал

